

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Сотувда эркин нархда

Д. КОРНИЕНКО



Азиз болалар! Бугун сиз билан болалikka сафар қиладиган домла — Неъматилла Иброҳимов Тошкент Шарқшунослик институти ректори. Унинг яқинда нашр этилган «Араб халқ романлари» номли китоби халқаро Имом Бухорий мукофотига сазовор бўлди. Мукофот учун ажратилган ўн беш минг долларни муаллиф «Умид» жамғармаси ўтказди. Чунки, бу жамғарма ёшларимизга хорижий мамлакатларга бориб, билим олишлари учун моддий жиҳатдан ёрдам беради. «Мен бу ишни, азбаройи ном қозониш, шуҳрат орттириш учун эмас, балки, шу хайрли ишга оз бўлса-да, ўз ҳиссамни қўйиш учун қилдим», — дейди домла.

«УЛАРНИНГ БИЛГАНЛАРИ ОДАМИЙЛИК ЭДИ»

Болалигим Маргилонда ўтган. Отам санъатга иштиёқманд инсон эдилар. Ташқи ҳовлимиз бўларди. Отамнинг Жураҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Ғанижон Тошматов каби санъаткор дўстлари ҳар кун бўлмаса-да, ҳар ҳафтада ўша ташқи ҳовлимизда йиғилишарди. Шубҳасиз, адабиёт, санъат, сиёсат хусусида қизгин мунозаралар бўларди. Қўшиқлар куйланарди, шеър ва ғазаллар ўқиларди. Айниқса, Фузулий, Машраб ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар матни устида узоқ тортишувлар, қизиқарли баҳслар тонгача давом этарди. Мен, болаликнинг беғам дунёсида яшаётган норасидага уларнинг давраси сирли ва жозиба-ли бўлиб кўринарди. Оламнинг энг гузал лаҳзалари, барча мўъжиза-ю сир асрорлари жамланган гаройиб, мафтункор бу даврнинг таассуротлари менда дунёни англашга бўлган иштиёқимни кучайтиргандир эҳтимол. Менинг гўр, уйинқароқ тасаввуримни кенгайтирган, неларга қизиқшимни ўз вақтида англаб, мени тўғри йўлга солган ҳам ушлар эди, десам хато қилмайман. Бир сўз билан айтганда, улар яшаб ўтган умрининг ҳар бир дақиқаси ибрат олишга арзигулик эди.

Содда ва гўдак ҳаёлларим бешигини тебратганлардан яна бири, биринчи муаллимам Обидова эдилар. /Мен у кишининг номларини ҳалигача билмайман. Йўқ, эсимдан чиққан, деб айтолмайман, чунки, биз мактаб ўқиган йилларда ўқитувчининг исмини, ҳатто, ортидан ҳам айтиш одобсизлик саналарди/ Маргилондаги 14-мактабда «ҳақ йўлида ранж ила ҳарф ўргатган» муаллимамни чуқур эҳтиром билан эслашимнинг боиси шундаки, улар ўзлари билган нарсаларни шогирдлар онгига, нафақат онгига,

балки, юрагига ҳам сингдира билиш қобилиятига эга эдилар. Уларнинг билганлари одам, ода м и й л и к эди...

АРАБ ЁЗУВИНИ 6 СОАТДА ЎРГАНИШ МУМКИН

Сўзимнинг аввалида таъкидлаганимдек, санъатга бўлган қизиқишим тобора ортиб борарди. Рубоб чалишни ўргандим. Ўзимча алланималарни ҳиргойи ҳам қиладиган бўлдим. Бора-бора араб тилига менда меҳр уйғонди. Маърака-маросимларда кироат қилинадиган арабий оятларни тингларканман, бу асрий муножотлар қаърида қандай сир, нечук калом яширинганини билишга интилардим. Мактабгача ва мактаб даврида араб тили ва ёзувини ўрганиб, бу тилда

нади. Ташвишланишга ҳам сабаб бўлгулик ҳодисалар бир талай. Аммо, одам ташвишланса, кўпроқ, бола келажагидан ташвишланади. Бу завқ, бу ташвишлар бизни хушёрликка, имкониятларимиздан тулароқ фойдаланишга ундайди. «Агар ҳар бир инсон, ақалли, ўз томорқасида виждонан меҳнат қилганда эди, ер юзи аллақачон гуллаб-яшнаб кетган бўларди» деган экан бир донишманд.

Тарихимизда жадидчилик ҳаракати мавжуд бўлган. Бу оқимга мансуб бўлганларнинг аксарияти хорижий мамлакатларда таълим олиб қайтган. Россия ҳукмронлиги остида яшаётган ўзбек миллатидан чиққан илғор фикрли шахслар, табиийки, ҳукмрон синф вакилларига ёқмасди. Чунки ҳар қандай ҳур фикрли одам ўз миллати, маданияти равнақи йўлида жон фидо қилишга тайёрдир.

Киргин /репрессия/ йилларида биз қанчадан-қанча ҳур фикрли юртдошларимиздан айрилдик. Юртимиз неча йиллик зулм занжирларидан қутулиб, ота-боболаримиз орзу қилган истиқлолга эришгандан сўнг Ўзбекистон келажаги учун янги уфқлар йўли очилди. Айниқса, ёшларимизнинг етук, комил инсон бўлиб етишишлари, ҳар томонлама тўлиқ билимга эришмаклари учун турли имкониятлар мавжуд. Эндигина ўз эркига эришган давлат бўлганимиз учун ҳам биз ҳали чет мамла-

«БОЛАЛАРНИ ШАЙТОНЛАРДАН КЎРҚИТМАНГИЗ...»

Оламда бола қалбини англаш савоби мавжуд, оламда бола юрагини тушунмаслик гуноҳи мавжуд. Агар улуғлик сўзининг софликка алоқаси бор бўлса, шубҳасиз, бола улуғдир. Улуғ бўлганда ҳам, «соддалиги, софлиги билан» улуғдир. Бугунги кун болаларининг мустақил фикрлилигини, дунёқарашининг кенгайиб бораётганлигини кўриб кўнглим ёришиб кетади. Биз буюк истиқлол берган озодлигимизни мустаҳкамлаш йўлидан борарканмиз, бу йўлдаги қийинчиликларни бартараф этиш учун билимли, имонли, эътиқодли шу билан бирга кўрқмас фарзандларни камолга етказмоғимиз зарурдир. Бунинг учун фарзандларимизни болалигидан бошлаб кўрқмас қилиб тарбиялашимиз керак. Шундагина улар тўғриси, ҳақиқатнинг кўзига тик қарайдиган бўлади. Ҳақиқат бор жойда эса ёлгон бўлмайди. Зеро, келажак ҳақиқатнинг юрагида тугилади.

Мен шоир Эркин Воҳидовнинг бир шеърини кўп эслайман. Бу шеърда баён қилинган фикрлар менинг ҳам истакларимга ҳамоҳангдир:

Ўхшамасин итдан
кўрққан
соқовларга.

Болаларни
бедодликка
ўргатмангиз,
Раҳмсизлик,
шаддодликка
ўргатмангиз.
То улғайиб дуч
келганда
инсонларга,
Ўхшамасин
андишасиз
шайтонларга...

Бу китобни ўқинг

«ИБН БАТТУТА НИМА ДЕЙДИ...»

Ҳар қандай келажаги буюк давлатнинг пойдевори, илдири тарихига тақалади. Тарихни ўрганмай туриб, Ватанни севиш мумкин эмас. Зеро, тарихда ота-боболаримизнинг умид ва армонлари яшайди.

1993 йилда нашрдан чиққан «Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати» номли китобида муаллиф Н. Иброҳимов Ватанимизнинг Х1У асрдаги тарихи, маданиятини қаламга олган.

Истиқлолгача тарихни сохталаштириб, уни бирёқлама ўрганиб, ўргатиб келдик, — дейди домла. — Ҳозир бизнинг олдимизда тарихимизни қайта-қайта тиклаш, боғчада таълим олаётган боладан тортиб, дорилфунун талабасигача рўйи-рост, аниқ далиллар билан кўрсатиш вазифаси турибди. Ана шу вазифани амалга ошириш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир».

Н. Иброҳимов мазкур китобида Х1У асрда яшаган буюк араб сайёҳи Ибн Баттутанинг «Саёҳатнома»сини, унинг Ўрта Осиё шаҳарлари ва вилоятларига қилган сафарини тадқиқ этади. Жумладан, Хоразм, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳар ҳамда қишлоқларимизнинг ўтмишда қандай гуллаб-яшнаганини, буюк маданиятини, мўғуллар истилоси даврида эса нечоғлик вайроналикка юз тутганини, сунгра қай тарзда янгидан қаддини рўстлаганини ўқувчининг кўз олдида жонлантиради. Бу китобни ўқиган китобхон Ватанимиз тарихи ҳақида сайёҳ Ибн Баттутанинг нималар деганини билиб олади.

Тахририятдан:

Давримизнинг етук олими — Неъматилла Иброҳимовнинг келажак авлод олдидаги масъулиятимиз ҳақида битилган уйлари газетамизда янги руҳни очишга асос солди.

Навбатдаги сўз Сизга — азиз газетхон алломалар!

НЕЪМАТИЛЛА ИБРОҲИМОВ

...ШУБҲАСИЗ, БОЛА УЛУҒДИР!

битилган китобларни имконим даражасида муталаа қила бошладим.

Уша йилларда араб тилига, диний адабиётларга, хусусан, «Қуръони карим»га муносабат ўзгача эди. Инсонга ўзлигини англадиган, уни Қадр, Имон, Инсоф каби муқаддас манзилларга олиб борадиган йўллар берк эди. Одамлар қарахликка маҳкум, мўминлардан кўра мутелар кўп эди. Неча йиллардан буён халқ онгига сингдирилган заҳарли гоялар, ёлгон тарғибот ва ташвиқотлар ўз таъсирини кўрсатди. «Хизр» ахтариб йўлга отланган одамзод хирс /айиқ/ни ибодат қилганини ўзи ҳам билмай қолганди.

Одамларни эътиқодсизлик гирдобига чуқутиришда, айниқса, ҳаёти ва фаолиятини «Дин — халқ учун афюндир» деган даъво билан бошлаб, шу сафсата билан якунлаган ақидапараст Маркснинг «хизмати» катта бўлди. Унинг, тахминан, «фалон тилни фалон қўнда, фалонини эса фалон ойда ўргандиму араб тили ва ёзувини эса икки йилдан ортиқ фурсатда ҳам ўргана олмадим» деб айтган сўзлари айрим имонсизларга дастак бўлди. Холбуки, Тошкент диний институтининг бир мударриси Иорданиянинг шариат мактабида таҳсил олаётган чоғда араб ёзувини олти соат мобайнида ўрганиш мумкинлигини тажрибада исбот этган дамлалар Маркс уларга бўлса-да, унинг «ўлмас гоялар»и ўлмаганди...

ТАЛАБАЛАР КАМОЛИ — КЎНГИЛ КУВОНЧИ

Завқланиш учун баҳона бўладиган нарсалар кўп. Бироқ, одам чинакамга завқланса бола — келажагидан завқла-



Болаларни
шайтонлардан
кўрқитмангиз,
«Бобов» келди деб
кўрпага
беркитмангиз.
То улғайиб дуч
келганда
«бобов»ларга.





БИБИ ФОТИМАДАН ҚОЛГАН УРФ

Мен бувижонимни жуда яхши кўраман. Чунки узлари бирам меҳрибон, бирам яхшиларки, агар бир кун кўрмасам ҳам даров соғиниб қоламан. Доим қиз болага қирқ хунари йигит кишига етмиш хунари ҳам оз, деган мақолни такрорлаб турадилар. Агар уйлариға меҳмон бўлиб борадиган бўлсам, нуқул менга кашта тикишни ўргатадилар. Бувижонимнинг айтишларича, кашта тикиш ҳазрати Фотимаи Заҳродан қолган муқаддас урф ва табарук хунари экан. Чунки қиз бола тиккан каштанинг жамолини кўриш учун эрта тонгда жаннатдаги фаришталар, хуру-ғилмонлар чиқар экан. Шунинг учун ҳам биринчи бор тиккан кашта саҳар билан оқар сувга оқизиларкан. Бу ривоятларни эшитгач кашта тикишга меҳрим ошгандан ошиб кетди. Ҳатто ўтирсам, турсам, мактабга борсам ҳам кашта тикишни мукаммал ўрганиш ҳақида ўйлай бошладим. Ёзги таътилга чиққач, ойим жонимга оро кирдилар. Дилноз майли сен ёз буйи бувинларни кенга юрасан. Лекин бувининг ҳамма хунариларини яхшилаб ўргангин, хўпми, дедилар. Бу гапни эшитиб хурсанд бўлиб кетдим. Эрталабгача ухламай ширин хаёлар сурай чикдим. Қандай яхши-я, энди шунақангиз зўр чевар бўлайки, ҳамма менга ҳавас қилсин, деб ўйладим. Шундай қилиб бувижонимни келиб, кашта тикишни бошладим. Лекин бу жуда мен ўйлаганчалик осон эмас экан. Биринчи кунлари бармоқларимга игна санчилиб, ёмон қийналдим. Азбаройи қийналганимдан кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Шунда бувижоним: «Ҳа, Дилноз қи-

зим, шунақа бўлади. Тикансиз гул, машаққатсиз хунари бўлмайди, ҳар бир хунарининг машаққати бўлади. Билсанг, агар, ана шу машаққатлари билан шу хунарилар қадрийдир.

РАСИДА ҚИЗЛАР ЁЗАДИЛАР

Ҳозир қийналсанг ҳам бир кун ўзингга асқотади, дедилар юпатиб. Бувижонимнинг айтишларича, бир ҳафта роса қийналиб, оппоқ матога товус, булбул ва чиройли атиргулнинг расмини туширдим. Тикиб тугатганимдан кейин кашта кўзимга бирам чиройли бўлиб кўриниб кетди. Бувижонимнинг расмида, роса мақтадилар. Энди буни олиб боргинда, Ойхон холангнинг ўйи олдидаги катта ариққа яхши ниятлар қилиб эрта саҳарда оқизиб кел, дедилар. Негадир қийналиб қийналиб тиккан каштамени шу оқар сувдан кизгандим. Бувижоним сездиларда, кулимсираб: «Олиб бор оппоқ қизим, қондаси шунақа. Ахир айтувдимку, шунақа қилсанг зўр чевар бўласан», — деб. Эртасига олиб бориб, ариқ бўйида пича хаёли суриб турдим. Кейин ҳаммага яхшилик, юртимизга тинчлик, кўнглимизга қувонч, худодан меҳрибон бувижонимга узоқ умр тиладим-да, каштамени, оқиздириб юбордим. Менинг ҳали ҳеч кимга айтмаган эзгу тилакларимни бир ҳафталик машаққатларимни, орзуларимни ўзида жо қилиб олган кашта сув юзида бир оз қалқиб турдида, узоқ узоқларга оқиб кетди.

Дилноза ЎРОЗОВА,
Қашқадарё вилояти
Қамаши туманидаги
Нодира номли мактаб
ўқувчиси

АВТОБУСДАГИ

Яқинда ойим билан шаҳарга тушдик. Шаҳарни маза қилиб айландик. Ва кечқурун уйга қайтиш учун автобусга чикдик. Ўша кун синфдошим Қаюмжонлар ҳам шаҳарга тушишган экан. Автобусда бирга ўтириб кетдик. Абай бека-тида Қаюмжоннинг ойиси унинг кўлидан маҳкам ўшлаганча паттачи амаки одамлардан пул йиғайтган пайтда тезлик билан нари кетиб қолди. Қаюмжон «Ие, ойи шоферга пул бермадик-ку», деган эди, ойи-

Миллати немис бўлган Хидоятуллох Ҳюбшнинг асли исми Паул Герхардт Максимилиан Ҳюбш бўлиб, 24 ёшида Ислон динини қабул қилган экан.

Бир вақтлар Хидоятуллох оғир хасталикка дучор бўлган. Учрамаган дўхтири-ю ичмаган дориси қолмаган. Шифо топишнинг ҳеч илоҳи йўқ. Бунинг устига тушидаю, ўнгида шарпалар кўринавери-риб, тинчлик бермай қўйган. Унга тинчлик бермаётган шарпалар тасвири мутахассислар томонидан текшириб кўрилса, улар араб алифбосида битилган Қуръони Карим сура-лари бўлиб чиққан. Во, ажа-бо!!! Аллоҳинойат этса, ҳеч гап эмас. Авлод аждоди насроний бўлган Хидоятуллох мусулмончилиқни қабул қилди. Унинг 5 қиз, 3 ўгли бор. Улар ҳозирги кунда Олмониянинг

си унинг биқинидан боплаб ўйиб чимчилаб олди. Буни менам, бошқалар ҳам кўрди. Ўртоғим бечора азбаройи

ВОКЕА

одамлардан, мендан уялганидан ёшли кўзларини қаерга яширишни билмасди.

Қаюмжонлар асли шаҳарлик. Яқинда дадаси биз тарафда янги корхона очган, шунинг учун улар қишлоққа кўчиб келган эди. Ўзи жудаям юввош, ақлли бола. Мактабга ҳам жуда зўр қийиниб, чиройли портфеллар кўтариб келади. Уларга қўшни синфдош-

ДЎСТЛИК ҲАМ ИЙМОНДАНДИР

Франкфурт-Майн шаҳрида истиқомат қилиб у ердаги «Ислон» нашриётига директорлик қиладилар. «Ислон» нашриётининг Англия ва Швейцарияда ҳам филиаллари бор. Мазкур нашриёт Қуръони Карим, Ҳадису Шарифни 134 тилга таржима қилиб, дунёнинг турли томонларида яшаётган Ислон ихломандларига етказиб бермоқда. Яқинда мана шундай ажойиб Инсон хонадонимизнинг азиз меҳмони бўлганидан бошимиз осмонда. Айниқса, жаноб Хидоятуллохнинг тўнғич қизлари Атя-Нур хонимнинг Олмониядан ҳижобда келиши, отинийлар даврасида навбатма-навбат тиловатлар ўқи-

ларимнинг айтишига қараганда Қаюмжонлар жуда бой яшашар экан. Шулар ҳақида хаёли суриб турарканман, кондуктор амакининг «уялмайдим-ей кап-катта аёл. Нуқул автобусга чикса йўл ҳақини тўламай шунақа қилиб қочиб қолади. Сизмайди, кўрмайди деб уйласса керак-да. Безлигини қаранглар-а!», — деб жавраб қолганини ҳамма эшитди. Нафрат билан айтилган бу гапларга гўё мен ҳам айбдордек ўзимни жуда ноқулай аҳволда сездим.

Гўзалхон ҒОЙИПОВА,
Тошкент вилояти
Қибрай туманидаги
Чингелди қишлоғи

ши, исми жисмига монанд бу ажойиб қизнинг юзидан нур ёғилиб туриши, хонадонимизни ёруғ ва чарогон қилгандай эди. Хуршида, Хуснбону ва Маҳмудахонлар Атя-Нур хоним билан олмонча-ю инглизча сўзлашган бўлсалар, Замира-хоним ўрдуча сўзлашдилар. Маъсудахоним Лолохонимлар эса бир-бирларини дилдан тушуниб турдилар. Дўстларимиз сафи тобора ортаверсин! Ер юзидаги бутун инсонларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатлари янада зиёда бўлсин! Иймону эътиқодларимиз мустаҳкам бўлсин! Мен шундай дўстлар билан фахрланаман.

Маҳмудахон МАҲМУДОВА
ГАНИ ҲОЖИ ҚИЗИ
Жаҳон иқтисоди
ва дипломатия
университети қошидаги
гимназия ўқувчиси

МЕҲМОН ҲАР КУНИ КЕЛСИН

Бизнинг уйимизда ҳаммамиз: мен, дадам, аям, бобом меҳмон кутишни жуда яхши кўраман. Барибир меҳмон келса яхши-да. Уйимиз тўлиб кетади. Ҳаммамиз хурсанд бўламиз. Айниқса мен. Яқинда-чи, бобом менга Карим Маҳмудовнинг «Меҳмоннома» де-

хосияти қанақа бўларкан, кўрдингизми қизалоғим. Кейин ҳамма жой озода, саришта бўлгач, дастурхонлар тузалиб меҳмон кутишга ҳозирлаб қўйилади. Худди шундай қилиб кутиб олсанг, келган меҳмоннинг ҳам баҳри дили очилиб кетади, кўнглинг яшнаб қолади. Лекин ҳеч қачон келган меҳмонга қовоқ қуйиш, меҳмонни ёмон кўриш каби хунук одатлар қилинмайди. Чунки меҳмон — отангдан улуг, деган гап бор. Ҳатто меҳмоннинг олдида мушугингни қаттиқ пишт демагинки, бундан унинг кўнглига озор етиши мумкин. Чунки меҳмон билан бирга уйга қут-барақа келади. Осойишталик, қувонч келади. Фаришталар келади. Бу гапларни бир умр ёдингизда тут қизим» деб қаттиқ тайинладилар. Шундай кунларнинг бирида қандайдир бир нотаниш меҳмон кириб келди. Ўша пайтда-чи мендан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Меҳмон аёлни тезда ичкарига таклиф қилиб кашталиқ оппоқ дастурхонимизни ёздим-да, унга ширинлик келтириб қўйдим. Сабаби меҳмон билан уйимизга файз келсин, қувонч келсин деб шундай қилдим. Ундан кейин чой, нон олиб келиб меҳмонга аямдан эшитганим бўйича «олинг, оғзингизни ширин қилинг», деб таклиф

қилдим. Хуп деди-ю, меҳмон мийиғида кулиб қўйди. Энди ўзим билганимча овқатга ун-наётган эдим, аям ишдан келиб қолдилар ва кўриб шунақангиз хурсанд бўлиб кетдиларки, меҳмон билан гаплашиб бўлгач, олдимга — ошхонага чиқдиларда, мени кучоқлаб меҳр билан юзларимдан ўпдилар. Келган нотаниш меҳмон, бу аямларнинг ёшлиқдаги мактабда бирга ўқиган синфдошлари, энг яқин дўгоналари, шахрисабзлик Шоҳиста холам эканлар. Шоҳиста холам менинг узларига қилган муомаламдан, меҳмондўстлигимдан ниҳоятда хурсанд бўлиб аямга роса мактабдилар. «Қани энди ҳаммамизнинг қизимиз ҳам Зебодай ақлли, меҳмондўст бўлса экан. Ишга бирам қўли келишиб қолибдики, ажойиб қизинг бор экан. Шундай қиз ўстирганинг учун раҳмат сенга дўгонажон, дебдилар ҳавас билан. Аяжоним шу қадар севинганларидан ҳатто кўзларида ёш қалқиб турарди. Мен анчадан буён аямнинг бунчалик қувонганларини кўрмагандим. Шу сабабдан уйимизга чексиз қувонч олиб келганликларини учун меҳмон холамдан жуда миннатдор бўлдим. Кўзимга бирам яхши кўриниб кетдиларки, қанийди уйимизга ҳар куни меҳмон келса.

Зебо ХУШВАКТОВА,
Тошкент шаҳар
Шайхонтоҳур туманидаги
59-мактаб ўқувчиси

АҚЛИ БОЛА

Шоҳзод энди беш ёшда,
Ақли ёшдамас — бошда.
Кўп ишларни қилади,
Кўп нарсани билади.
Кўйлагининг тугмаси
Узилиб кетса, шу он —
Кўлга ип-игна олиб
Тиқиб қўяди ўғлон.
Ойисига ёрдамчи,
Идиш ювар, пол артар.
Дадасининг ёнида
Ер чопар, дарахт экар.
Эрта билан туриб у,
Қилар бадан тарбият.
Совуқ бўлса ҳам-ки сув,
Ювиниш унга одат.
Богчасини ҳам Шоҳзод
Жуда яхши кўради,
Болалар билан иноқ
Ўйнаб-қулиб юради.

Шоҳзод ўзи қизиқиб,
Алифбони ўқийди.
Ўзича қизиқ-қизик
Шеърчалар ҳам тўқийди.
Кўп билишни истади,
Ойисини қистайди:
«Айтиб беринг, ойижон,
Темур бобо ҳақида.
Айтиб беринг, ойижон,
Бобур бобо ҳақида...»
Шоҳзод шунақа бола!
Ўзи энди беш ёшда.
Кўп нарсига қизиқар,
Ақли ёшдамас — бошда!

МАДИНАНИНГ ШЕЪРИ

АЛИФБОНИ ўрганиб
Олим бўлиб қолдик биз.
Кўлга билим эшигин
Зар калитин олдик биз.

Энди китоб бизларнинг
Дўстимиз бўлиб қолди.

Алифбонимиз юракка
Илм зиёсин солди.

Келажакда биримиз
Бўламиз зўр шифокор,
Биримиз шоир, ишчи,
Ва биримиз бинокор.

Озод Ватанимизга
Дилдан хизмат қиламиз,
Ўзбекистонимизга
Яхши фарзанд бўламиз.

Бизга оқ йўл кўрсатиб,
Биз билан чекиб заҳмат —
Алифбони ўргатган
Устозларга минг раҳмат.

Биринчи устозимиз,
Умрингиз узоқ бўлсин.
Умрингизнинг ҳар куни
Бахту нурларга тўлсин!

Нодира РАШИДОВА

Шоирлар болаларга



ИШТИРОКЧИЛАР:

Анор — 10-12 ёшларда
Гулнор — Анорнинг ўртоғи
Сехргар кампир
Гулнорнинг отаси, онаси
Жиллар бошлиғи
Жиллар

БИРИНЧИ ПАРДА БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Парда очилиши билан ўрмон манзараси намоён бўлади. Улкан дарахтлар ортидан тоғ чўққилари кўриниб туради. Икки қиз дарахтлар оралаб этакларига ёнғоқ териб юришади.

Анор (қаддини ростлаб): Бу атрофда бошқа ёнғоқ дарахти кўринмаяпти.

Гулнор (буйруқ оҳангида): Сен нарироқларни қараб келсанг-чи?

Анор: Майли. Сўқмоқнинг нариги тарафларига бориб келаман.

Гулнор (беписанд): Бор! Бора қол!

Анор кетади.
Гулнор: Вой белим! Зирқираб кетаяпти. Ёнғоқ териш деганлари бунча машаққат бўлмаса... (Ўтириб олади).

Овоз: Машаққатни бир зумда осонлаштириш мумкин.

Гулнор атрофига аланглайди. Ҳар тарафга ҳайрон бўлиб қарайди.

Овоз: Ҳайрон бўлма. Мен — ўзингман.

Гулнор (ажабланиб): Нима?... Ким?..

Овоз: Мен ўзингман! Сенман!

Гулнор баттар ҳайрон бўлади. Турган жойида айланади. Оёқлари остига, юқорига қарай бошлайди.

Овоз: Аланглама. Хавотир олма. Атрофда ўзингдан бошқа ҳеч ким йўқ.

Гулнор дарахтлар танасини пайпаслаб кўради. Шоҳларига қарайди. Ўз қопининг оғзини очиб, ичига у томон — бу томонга тикилади. Силкиниб, уст-бошларини қоқди.

Овоз: Овора бўлмасангчи. Ўзингман, ўзингман. Фақат ичингдаман.

Гулнор шошилиб қўйлаклари ёқасини очиб қарайди. Оёқларини ерга тап-тап уриб қоқинган бўлади. Енглари силкитади.

Овоз: Вой сен-ей! Оввора бўлмасанг-чи! Айтдим-ку: ўзи-

нгман. Мен — сенман! Ахир ўзингни кўра оласанми?

Гулнор: Ўзимни... Кўра оламанми?... Мана, қўл-оёқларим...

Овоз: Қўл-оёқларингни кўрасан. Аммо бошингнинг орқасини, икки елканг ўртасини шундай кўрасанми? Оғзингни-чи? Кўзингни-чи? Қулоғинг орқасини-чи? Унинг ичинги-чи?

(Икки парда, тўрт кўринишли пьеса)

ЭНГ ВАХТАН КҮН

Абдулла УЛУФОВ

Гулнор ҳайрон бўлиб, бошини у-бу тарафга айлантирди. Елкаларига қарамоқчи бўлади.
Овоз: Кўролмайсан! Кўролмайсан! Уриниб ётма. Мени, яъни ўзингни ҳам кўролмайсан. Мен эса қўл-оёқларингдан то тил-жағинггача қимирлатаман. Қўлларингни очиб, юмаман. Қулоғинг ҳам, юрагинг ҳам ўзимман.

Гулнор, қўл-оёқларини ҳаракатлантириб қарайди. Қош-кўзларини, юзини сийпалайди.

Гулнор: Вой-вой!

Овоз: Ана, кўрдингми?

Гулнор: (ҳовлиқиб): Ҳа-ҳа!..

Овоз: Энди ишонгандирсан!

Гулнор: А-а, нима?

Овоз: Ҳали ҳам таажжубланаяпсанми? Бўлмаса, овозларимизга эътибор қил! Шунда менинг ўзинг эканлигини пайқайсан.

Гулнор: А-а, нима?

Овоз: А-а, нима?

Гулнор таажжубланиб қолади.

Овоз: Сездингми, овозларимиз бир хил. Бир хил!

Гулнор: (ҳаяжонланиб): Ҳа-ҳа! Шундай, бир хил!

Овоз: Энди ишонгандирсан.

Гулнор: Ҳа-ҳа!

Овоз: Ишонган бўлсанг, энди айтганларимни бажар!

Гулнор: А-а!.. Хўп-хўп!..

Овоз: Шундай бўлсин! (буйруқ оҳангида) Қани бўлмаса... Анорнинг қопларидаги ёнғоқларни ўзингникига солиб ол!

Гулнор: (ҳаяжонланиб): А-а!

Овоз: «А-а» ламасдан тезроқ бўл!



Гулнор: Йўқ-йўқ!

Овоз: Кўрқансанми? Юракдан ҳам бор экан-да. Хавотир олма, ўртоғинг ҳеч нимани сезмайди.

Гулнор: Йўқ-йўқ! Ахир у ўртоғим!

Овоз: Ўртоғим-ўртоғим! Хўш, нима бўлибди?! Ол! Ол! Кўрқма! Ол!

Гулнор атрофига тез-тез аланглаб, кўрқиб-кўрқиб Анорнинг қопи оғзини очади. Шошилиб-шошилиб ундаги ёнғоқларни ўз қопига сола бошлайди.

Овоз: Бунча кўрқиб қалтирамасанг! Доналаб ўтирасанми? Қопини шартта ўзингникига ағдариб ола қол!

Овоз: Яна шу: ўртоғим-ўртоғим! Хўш, шу ўртоғинг ҳозирги қилғилигингни сезиб қолса, нима деган одам бўласан? Қани, айт-чи?!

Гулнор: Ҳа-ҳа!.. (иккиланиб). Унинг ўзини якка ташлаб кетсам... Қандай бўларкан?..

Овоз: Ҳеч нима бўлмайди. Ўзингни билсанг-чи, ў-ў, ўзингни билсанг-чи! Қопинг тўлганига хурсанд бўлсанг-чи!

Гулнор қопини елкалаб, иккиланиб, орқасига қараб-қараб кетарди. У саҳнада кўринмай қолгач, Анорнинг овози эшитилади.

Анор: Гулнору Гулнор!.. Ке-

ла қол! Бу ерда роса ёнғоқ кўп экан.

Қайта-қайта чақирди. Кейин саҳнада ўзи пайдо бўлди.

Анор: (аланглаб): Гулнор, қайдасан?... Гулнору!.. Анор: Гулнору Гулнор!.. (Ҳар тарафни аланглаб чақиради) Бекиниб олдингми? (қулади) Барибир топиб оламан! Ҳали сеними, шошмайтур! (излаб кетади). Яна саҳнада пайдо бўлади.

Анор (Қўлларини оғзига карнай қилиб): Гулнору Гулнор! Яширинма! Излайвериб чарчаб кетдим. Оёқларимда мадор қолмади (ўтириб олади). Майли, сен ютдинг! (Оёқларини узатиб, ўзини ҳолсиз чарчаган аҳволда кўрсатади). Бирдан оёқлари учидан ётган бўш қопини кўриб қолади. Ушлаб, кўтариб қарайди.

Анор: (хавотирланиб): Наҳотки Гулнор кетиб қолган бўлса! Ё уни айиқ, бўри олиб кетиб қолди? (Йиғламсирайди) Энди нима қилдим? (аланглайди. Ҳар тарафга бориб кела бошлайди). Энди нима қилдим-а?!

Саҳна қоронғилаша бошлайди.

Гулнор: (Йиғламсираб) Энди уйимга қандай бораман? Йўлда адашиб қолсам-чи? Бўрими, айиқми келиб қолса-чи? Нима қиламан-а?! Дарахт танаси ёнига боради. Ўтириб, қунишиб олади.

Шу пайт унинг ёнида бир кампир пайдо бўлади.

Кампир: Ҳа, қизим, нега йиғлаб ўтирибсан?

Анор дарҳол ўрнидан чаққон туради (Йиғламсираб): Ассалому алайкум, бувижон!

Кампир: Ваалайкум-ассалом, оппоқ қизим!

Анор (Йиғламсираб): Ўртоғимни тополмай қолдим. У билан ёнғоқ теришга келган эдим...

Кампир: Ҳа, майли. Ундан ҳеч ҳам хавотир олма. Мен билан юра қол. Тунда якка ўзинг бу ерда қолиб кетма!

Анор (чўчиб): Майли... Майли... Роса кўрқиб ўтирган эдим.

Бирга кетишади.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУРАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОВ, Дадаҳон ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г -0821. 10960 нусхада босилди. Қоғоз бицими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30. Навбатчи муҳаррир Б. Каримов.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Нашр курсаткичи: № 64563. Телефон: 1-33-44-25.